
ФАРФОНАДА ХИТОЙ АВТОМОБИЛСОЗЛИК ТЕХНОПАРКИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАМДА ЯНГИ БРЕНД ОСТИДА БУТЛОВЧИ ҚИСМЛАРИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛГАН АВТОМОБИЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА

Вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров Хитойнинг China Triumph International Engineering ҳамда China Xiaou Group компаниялари раҳбарларидан иборат делегацияни қабул қилди.

Учрашувда вилоятимиз ҳудудида Хитой автомобилсозлик технопарки ташкил этиш ҳамда янги бренд остида бутловчи қисмлари маҳаллийлаштирилган автомобиллар ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Лойиҳанинг биринчи босқичида Хитойдан келтирилган қисмларни йиғиш, бўйлаш ҳамда сошлаш линияларини йўлга қўйиш орқали йиллик 60 минг дона газ, электр ва гибрид моторли автомобиллар, махсус транспорт воситалари ишлаб чиқариш белгиланган бўлса, кейинги босқичда ташкил этиладиган Хитой автомобилсозлик технопаркида барча бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш ҳамда уларни кооперациясини ташкил этиш орқали ишлаб чиқариладиган автомобиллар сонини йиллик 1 млн. донага етказиш лойиҳа-режада кўзда тутилган. Бунинг учун жами 200 гектар ер майдони талаб этилиши маълум қилинди. Эътиборли жиҳати, ишлаб чиқариладиган автомобиллар янги, маҳаллий бренд остида бўлиши режа қилинган. Ташкил этилиши таклиф этилаётган Хитой автомобилсозлик технопаркига ўнлаб Хитой компанияларининг инвестицион ишлаб чиқариш лойиҳаларини жойлаштириши режалаштирилгани билдирилди.

Хитойлик инвесторлар томонидан қисқа муддат ичида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг аниқ амалга ошириш муддати, киритиладиган сармояларнинг миқдори ҳамда яратиладиган иш ўринлари сони бўйича аниқ асосланган бизнес-режани ишлаб чиқишига ҳамда музокаларни давом эттиришга келишиб олинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-06-03 15:24:01